

Әдебиятлар

1. Романов Т. Максатимиз-халықтың сүйенишине айланыў. *erkinkarakalpak.uz.*, 6-февраль 2018.
2. Өтеўлиев А. Судланғанларды кешириў: инсаныйлық принципін әмелге асырыўдың тийкаргы дерегинин бири. *erkinkarakalpak.uz.*, 31-декабрь 2017.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идёт о роли правосознания и правового образования в борьбе с преступностью среди молодёжи.

SUMMARY

The article is devoted to the role of legal consciousness and legal education in the fight against crime among the youth.

“ҲУҚУҚИЙ КОМПЕТЕНТЛИК” ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ТАВСИФИ

Е.Глеуов – *тадқиқотчи*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ҳуқуқ, компетентлик, касбий компетентлик, ҳуқуқий компетентлик, “ҳуқуқий компетентлик” тушунчасининг назарий тавсифи.

Ключевые слова: право, компетентность, профессиональная компетентность, правовая компетентность, теоретическая характеристика понятия “правовая компетентность”.

Key words: right, competence, professional competence, legal competence, theoretical definition of the notion “legal competence”.

Ўтган асрнинг 60-йилларида етакчи хорижий давлатларда мутахассиснинг касбий компетентлигини ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Бу бевосита оммавий ахборот воситалари – кўплаб номларда газета, журналларнинг чоп этилиши, радио, телевидение, компьютер технологияларининг ривожланиши, муайян босма ўқув адабиётларининг йирик тиражларда нашр қилиниши билан боғлиқ. Ўзбекистонда глобал ахборотлашув ҳамда ҳуқуқий жамиятни барпо этиш шароитида бўлажак мутахассис сифатида талабаларда ҳам касбий компетентлик, шунингдек, ҳуқуқий компетентлик сифатларини шакллантириш янада долзарблик касб этмокда.

Айни ўринда “компетенция”, “компетентлик”, “ҳуқуқий компетентлик” тушунчаларининг мазмунини англаб олиш талаб қилинади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да кўрсатилишича, лотин тилидан таржима қилинганда “компетенция” (“competere”) тушунчаси луғавий жиҳатдан икки хил маънони англатади. Яъни: 1) муайян орган ёки мансабдор шахснинг расмий ҳужжатларда белгиланган ваколатли доираси; ваколат; 2) шахснинг бирор-бир соҳадан хабардорлик, шу соҳани билиш даражаси [6:396]. Келтирилган таърифдан англанадики, биринчидан, муайян органлар ёки мансабдор шахслар ўз хизмат вазифаларини бажаришда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгиланган ваколатлари доирасидагина ҳаракат қилишлари мумкин. Уларнинг ўз ваколатларига кирмаган ҳаракатларни ташкил этиши, бошқа бир орган ёки мансабдор шахснинг ваколатлари доирасига қирадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиши, улар номида иш қўриши мумкин эмас ва бундай ҳаракат республика қонунчилиги асосларига кўра тақиқланади; иккинчидан, мутахассиснинг ўз касбий фаолияти асосларидан хабардорлиги, соҳани пухта билиши ҳам компетенция сифатида намоён бўлади. Иккинчи ҳолатда “компетенция” тушунчаси мутахассиснинг ўз соҳасини қанчалик билиши, унинг асосларидан хабардорлигини англатиш билан бирга, ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётга қанчалик даражада самарали татбиқ эта олишини ҳам ифодалайди.

Муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган қўлланмада тиббиёт ходимлари мисолида ҳуқуқий компетенцияга қуйидагича таъриф берилади: ҳуқуқий компетенция – бу шахснинг жамиятнинг ҳуқуқий кадриятлари асосида шаклланган ва у томонидан ҳуқуқий билимлар, мижозларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилишни амалга оширишга қаратилган қўнқма-малакалар тизимини қўллаш олишга бўлган қобилияти ҳамда тайёрлигини ифодаловчи интеграл хусусият бўлиб, унда ҳуқуқий фаоллик, масъулиятлилик, коммуникативлик ва толерантлик каби муҳим касбий сифатлар намоён бўлади [2:4]. Мазкур таърифдан англанадики, “компетентлик”

тушунчаси бир неча компетенциялар бирлигидан иборат бўлиб, шахснинг маълум фаолият (масалан, ижтимоий фаолият)ни, мутахассиснинг эса касбий фаолиятини қанчалик самарали ташкил эта олишини белгилаш учун хизмат қилади. Сўз тузилиши жиҳатидан ушбу тушунча муайян компетенцияларга эгалликни, яъни сифатни англатади. Бу ўринда тушунчанинг мазмунини луғавий жиҳатдан кўриб чиқамиз.

Компетентлик (ингл. “competence” – қобилият, лаёқат, лойиқ бўлмоқ, муносиб бўлмоқ) – назарий билимлардан амалий фаолиятда самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш. Мазмунига кўра компетентлик негизда касбий билим, қўнқма, малакаларни ҳеч бир қийинчиликсиз амалиётда самарали, юқори даражада қўллаш олишдан иборат ҳаракат ётади. Шу билан бирга компетентлик мутахассиснинг ўз ваколатлари доирасидаги вазифа, мажбуриятларни тўлақонли, сифатли, самарали бажариш қобилияти, касбий тайёргарлигининг даражаси саналади.

Мазкур тушунча дастлаб психология соҳасида тадқиқ этилган. Кейинчалик педагогик соҳасида бошқарув ва мутахассисларни тайёрлаш жараёнида унинг касбий фаолиятга тайёрлигини, уни самарали ташкил эта олиш лаёқатига эгаллигини баҳолаш, замонавий ижтимоий ҳамда малакаий талаблардан келиб чиққан ҳолда касбий компетентликнинг даража кўрсаткичларини аниқлашга эътибор қаратила бошлади. Мутахассиснинг касбий тайёргарлиги “касбий компетентлик” тушунчаси орқали ифода этила бошланди. Ушбу масалани ўрганиш йўлда қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бу ўринда Э.М.Никитин, В.В.Нестеров, А.С.Белкин, В.Г.Воронцова, Г.Д.Воронцов, И.П.Подласый, М.Х.Усмонбоева, А.К.Маркова, Б.Назарова, М.Е.Поляковалар томонидан олиб борилган тадқиқотларни қайд этиб ўтиш мумкин.

Фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида, жамиятда кенг қўламли ижтимоий ислохотлар амалга ошириляётган бир вазият шахс, жумладан, талабаларнинг ҳуқуқий компетентликка эга бўлиши масаласи ўзига хос долзарблик касб этади. Шу сабабли олий таълим муассасаларида талабаларнинг ҳуқуқий компетентлик сифатларига эга бўлишлари учун зарур педагогик шарт-шароитни яратиш тақозо этилади.

Айни ўринда ҳуқуқий компетентлик ва унинг негизда намоён бўладиган сифатлар тўғрисидаги тасаввурни ойдинлаштириб олиш мақсадга мувофиқдир.

М.Е.Полякова [3:14]нинг фикрига кўра, **ҳуқуқий компетентлик** – ҳуқуқий билимларни талаб этадиган масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, касбий фаолиятда қўллашни тақозо этадиган яхлит билимлар саналса, О.А.Чудиновнинг фикрича, “давлат фаолиятини тартибга соладиган, бир-бирига муносабат нуқтаи назардан давлат ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўғрисидаги

умумий тамойиллар, ҳукукий меъёрлар, ҳукук тизими, унинг амал қилиши, ҳукуқни муҳофаза қилувчи асосий институтлар, шунингдек, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлар бузилганда амалий ҳаракат моҳияти тўғрисидаги зарур қарорларни қабул қилишга имкон берадиган ҳукукий ахборотларни излаш, уларни қўллаш кўникмаларига эғалик” [5] дир.

Ҳукукий компетентликнинг таркибий тузилмасини ўрганишга ҳаракат қилар экан, тадқиқотчи А.А.Черемисина [4] унинг қуйидаги қўринишга эга эканлигига урғу бериб ўтади: когнитив компетентлик (ҳукукий билимларга эғалик); мотивацияли компетентлик (ҳукукий позиция); фаолиятли компетентлик (назарий билимларга асосланган фаолиятнинг барқарорлиги). Айни ўринда А.А.Черемисинанинг ёндашувига ўзгартириш киритиш зарур деб ҳисобламиз. Бинобарин, бизнинг фикримизча, ҳукукий позиция бу йўлда ташкил этиладиган фаолиятнинг барқарорлиги асосида юзага келади. Муаллифнинг ўзи ҳам шу ҳолатни – когнитив компетентлик фаолиятли компетентлик учун асос бўлишини қайд этмоқда. Қолаверса, ҳар қандай позиция назарий билим ва амалий фаолият бирлиги қарор топганидан кейингина шаклланади. Шунингдек, ҳукукий позициянинг мотивацион компетентлик тарзида ифодаланиши ҳам тўғри эмас. Зеро, “ҳукукий позиция” тушунчаси ўз моҳиятига кўра қатъийликни англатади. “Мотивация” тушунчаси негизда эса психологик нуктаи назардан ҳали қатъийлашмаган ҳолатлар – қизиқиш, рағбатнинг юзага келтириш ётади. Шу сабабли мотивацияли компетентликни дастлабки асос сифатида эътироф этиш тўғри бўларди. Ҳукукий позицияни эса ижтимоий-ҳукукий компетентлик тарзида бериш мақсадга мувофиқдир. Шунга кўра А.А.Черемисина [4] нинг ҳукукий компетентликнинг таркибий тузилмаси ҳақидаги ёндашувини қуйидагича тўлдириш мумкин:

1. Когнитив компетентлик (назарий ҳукукий билимга эғалик).
 2. Мотивацияли компетентлик (ҳукукий билимларни ўрганишга бўлган қизиқиш, рағбатнинг мавжудлиги).
 3. Фаолиятли компетентлик (ҳукукий кўникма, малакаларнинг мавжудлиги).
 4. Ижтимоий-ҳукукий компетентлик (ҳукукий позиция).
- Ҳукукий компетентлик ва шахсда уни ривожлантиришга доир адабиётларни дастлабки ўрганиш

натijasида тушунчани қуйидагича ёритиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди: **ҳукукий компетентлик** – касбий фаолият ва фуқаролик бурчини тўла бажариш, жамиятдаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан фаол муносабат билдира олишга хизмат қиладиган ҳукукий билим, кўникма, малакалар йиғиндиси ва улардан самарали фойдалана олиш қобилияти.

Талабаларнинг ҳукукий компетентлигини ривожлантириш технологиясини ишлаб чиқиш масаласи ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммолардан бири саналади. Бинобарин, бозор муносабатлари шароитида, қолаверса, ҳукукий муносабатлар асрлар давомида шаклланиб, биргина ўзаро ишонч асосида ёки уч кишининг гувоҳлигида тартибга солинганлигини белгиловчи миллий кадриятнинг унutilаётганлиги, айрим кишилар томонидан “Одам савдоси”дек ғайриинсоний ҳаракатнинг содир этилаётганлиги, мулкый муносабатларда шахслар ўртасида ўзаро ишончсизликнинг қарор топаётганлиги ва буни асословчи далилларнинг тобора кўпаётганлиги талабаларда ҳукукий компетентликни ривожлантириш муаммосининг долзарблигини таъминламоқда.

Шундай қилиб, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида талабаларда ҳукукий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб муаммо саналади. Муаммога тегишли тадқиқот ишларини ўрганиш “ҳукукий компетентлик” тушунчаси негизда ҳукукий билимларни талаб этадиган масалаларни ҳал қилиш, шунингдек, касбий фаолиятда қўллашни тақозо этадиган яхлит билимлар, зарур қарорларни қабул қилишга имкон берадиган ҳукукий ахборотларни излаш, уларни қўллаш кўникмаларига эғалик, ҳукукий билим, кўникма, малакалар йиғиндиси ва улардан самарали фойдалана олиш қобилияти, шунингдек, мутахассиснинг ўз ваколатлари доирасидаги вазифа, мажбуриятларни тўлақонли, сифатли, самарали бажариш қобилияти, касбий тайёргарлигининг даражаси намоён бўлади. Мавжуд адабиётларда тушунча моҳияти юзасидан билдирилган фикрларга таянган ҳолда уни “касбий фаолият ва фуқаролик бурчини тўла бажариш, жамиятдаги ҳар қандай ҳуқуқбузарликларга нисбатан фаол муносабат билдира олишга хизмат қиладиган ҳукукий билим, кўникма, малакалар йиғиндиси ва улардан самарали фойдалана олиш қобилияти” тарзида таърифлаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар

1. Компетентлик // <http://lex.uz/home/dictionary?word=КОМПЕТЕНТЛИК>.
2. Модель медицинского образования Казахского национального медицинского университета имени С.Д.Асфендиярова: стратегия формирования правовой компетентности в процессе профессиональной подготовки студентов.- Алматы: КазНМУ им. С.Д.Асфендиярова. 2011. -С. 4.
3. Полякова М.Е. Формирование правовой компетентности студентов технического вуза: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. / Моск. гор. пед. ун-т. - М.: 2007. -С. 14.
4. Черемисина А.А. Правовая компетентность студентов как социально-педагогическая проблема. // <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-kompetentnost-studentov-kak-sotsialno-pedagogicheskaya-problema>.
5. Чудинов О.Р. К понятию «правовая компетентность нженера»file.pdf // http://vestnik.pstu.ru/get/_res/fs/file.pdf/1490.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / 5 жилдли. Иккинчи жилд. А.Мадвалиев таҳрири остида. Таҳрир хайъати: Э.Бегматов ва б. -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2006. 396-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахс, хусусан, талабаларда ҳукукий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб муаммо эканлиги эътироф этилган. Муаммога тегишли тадқиқот ишларини ўрганиш, уларда илгари сурилган етакчи ғояларни таҳлил қилиш асосида “ҳукукий компетентлик” тушунчасининг мазмуни ва назарий тавсифи ёритилган. Бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг назарий ёндашувларига таянган ҳолда муаллиф томонидан “ҳукукий компетентлик” тушунчаси шарҳланган.

РЕЗЮМЕ

В статье особо отмечается, что формирование личности, в особенности, правовой компетентности у студентов является актуальной проблемой. В статье раскрываются сущность и теоретическая характеристика понятия “правовая компетентность” на основе изучения исследовательских работ по данной проблеме, и анализа выдвигаемых в них идей. Автор даёт определение понятию “правовая компетентность”, опираясь на теоретические подходы группы исследователей.

SUMMARY

It is stated in the article that forming an individual, particularly, legal competence in students is one of the actual problems. The article exposes the essence and theoretical characteristics of the notion “legal competence” based on the study of research works devoted to the mentioned problem and analysis of suggested ideas. The author defines the notion “legal competence” taking into account the theoretical approaches of the group of researchers.